	<p>инъекцион эритмасида эритиш.</p> <p>Препарат тавсияларга амал қилган ҳолда қўлланилади.</p> <p>Иммунитет танқислиги ҳолатларининг олдини олиш ва даволаш 1-2 флакон кунига 2 марта.</p>	
Фуросемид	<p>Вена ичига (оқимли) ёки м/о юборилганда, катталар учун доза 20-40 мг 1 марта/кун, алоҳида ҳолларда - 2 марта/кун.</p>	<p>С</p> <p><a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/</a></p>
Маннитол (15% ли эритма)	<p>Фуросемид билан (5-10 мл)</p>	<p>С</p> <p><a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/</a></p>
Ибупрофен	<p>Капсулалар сув билан ичирилади. Чайнаш мумкин эмас. Фақат қисқа муддат фойдаланиш учун. Катта ёшдаги беморлар ва 12 ёшдан катта болалар учун тавсия этилган доза: 1 капсуладан кунига 3-4 марта. Қабуллар орасидаги интервал 6-8 соат. Терапевтик самарага тезроқ эришиш учун бир марталик дозани 400 мг гача ошириш мумкин.</p> <p>6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар тана вазни 20 кг дан ортиқ бўлганда: 200 мг дан кунига 3-4 марта. Қабуллар орасидаги интервал 6 соатдан кам бўлмаслиги керак.</p>	<p>С</p> <p><a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/</a></p>
Парацетамол	<p>Ичишга қабул қилинади, зарур миқдордаги сув билан ичилади, терапия давомийлиги - 3-7 кун, кўрсатмаларга қараб: катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга кунига 4 г гача қабул қилиш мумкин, бир қабулда 500 мг дан;</p> <p>200 мг дозадаги таблеткаларда болалар парацетамини 2 ёшдан</p>	<p>С</p> <p><a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/</a></p>

	бошлаб ҳар 4-6 соатда 0,5 таблеткадан, 6 ёшдан бошлаб - бир вақтнинг ўзида 1 таблеткадан (200 мг дан) буюрилади	
Дапсон	100-150 мг суткасига 10-14 кун давомида	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Гидроксихлорохин	қунига 200-400 мг дан 10-14 кун давомида	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Азатиоприн	50 мг ли таблеткалар:  Бошланғич дозаси 0,5–1 мг/кг/кун, пациентнинг толерантлигига қараб 2–3 мг/кг/кунгача оширилиши мумкин.	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Циклоспорин	Циклоспориннинг бошланғич дозаси қунига икки марта қабул қилиниб, тана вазнининг ҳар килограммига 2,5 дан 3 мг гача бўлади. Оғир ҳолатларда, зарурат туғилганда, дори дозаси максимал миқдоргача - қунига тана вазнининг ҳар килограммига 5 мг гача оширилиши мумкин. Ижобий натижа кўрингандан сўнг, дозани тўлиқ тўхтатилгунга қадар аста-секин камайтириш лозим.	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Метотрексат	Катталарда метотрексат ҳафтасига 10 мг дан 30 мг гача тери остига, мушак ичига ёки ичишга буюрилади;  болаларда еса ҳафтасига 0,2-0,7 мг/кг миқдорида қўлланилади	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Фолат кислота (метотрексатдан фойдаланганда)	Овқатдан кейин ичишга  катталарга 1-2 мг (1-2 таблетка) қунига 1-3 марта. Максимал	С

	суткалик доза - 5 мг (5 таблеткалар)  3 ёшдан катта болаларга 1 мг дан (1 таблетка) кунига 1-2 марта. Максимал суткалик доза - 2 мг (2 таблетка)  Даволаш курси 20-30 кун давом этади	<a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Микофенолат мофетил	Ичишга, кўпинча 500-750 мг дан бошланади кунига икки марта, кейин доза 1,0-1,5 г гача оширилади кунига икки марта қабулга	С  <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Тофацитиниб	5-10 мг кунига 2 маҳал ичишга	С  <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Ритуксимаб	в/и 375 мг/м <sup>2</sup> ППТ схема бўйича	В  <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Иммуноглобулины (очищенный препарат IgG)	Вена ичига: 2 г/кг тана вазнига мос равншда, 3–5 кун давомида юборилади.	В  <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Одамнинг рекомбинант гамма интерферони	Катталар учун суткалик дозаси 100000 ТБ, препарат кунора тери остиға суткасиға бир марта юборилади.	В  <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Апремиласт	30 мг дан кунига 2 маҳал. Дастлаб титрлаш талаб этилади, бирламчи титрлашдан кейин такрорий титрлаш талаб этилмайди.	С  <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Адалимумаб	Катта ёшлилар ва 4 ёшдан бошлаб, ўртача ва оғир даражадаги пиллакчали псориаз билан оғриган беморларга сон ёки корин соҳасига тери остиға 80 мг бошланғич дозада, ушлаб турувчи доза - 40 мг дан 2 ҳафтада 1	С  <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>

	марта, бошланғич дозадан бир хафта ўтгач.	
Левамизол	Иммуномодулятор сифатида левамизол одатда кунига 150 мг дан 3 кун давомида ҳар 2 ҳафтада ёки ҳафтасига 1 марта кунига 150 мг дан қабул қилинади.	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/</a>
Урсодезоксихол кислота	Ичишга. Тана вазни 34 кг дан кам бўлмаган болалар ва катталарга урсодезоксихол кислотани суспензия шаклида қўллаш тавсия этилади.  Урсодезоксихол кислотасининг тавсия этилган дозаси кунига 10 мг/кг ни ташкил этади	А <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a>
Эссенциал фосфолипидлар	в/и секинлик билан 1-2 ампула (5- 10 мл), эритма беморнинг қони билан 1:1 нисбатда суюлтирилади.  Препаратни суюлтириш зарур бўлганда инфузион юбориш учун фақат 5% ёки 10% декстроза эритмасидан фойдаланилади.  Ичишга. 12 ёшдан ошган ва тана вазни 43 кг дан юқори бўлган ўсмирлар, шунингдек катталар учун овқат пайтида кунига 3 марта 2 капсуладан қабул қилиш тавсия этилади.	А <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a>
Антраль	суткасига 3 марта овқатдан кейин ичишга  катталар ва 10 ёшдан катта болаларга - қабул қилиш учун 200 мг дан  4-10 ёшли болаларга - қабул учун 100 мг дан	А <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a>
Оксиматрин	в/и 600 мг дан кунига бир марта  в/и 600 мг 100-250 мл 5% ли глюкоза эритмасида ёки 0,9% ли натрий хлорид эритмасида	А <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a>

	<p>эритилади. Вена ичига томчилаб, дақиқасига 60 томчи тезликда, кунига бир марта юборилади</p> <p>ичишга, 2 капсуладан (0,2 г оксиматрин) кунига уч марта. Зарур бўлса, кунлик дозани кунига уч марта 3 капсулагача ошириш мумкин (бу 0,3 г оксиматринга тенг).</p>	
Глутатион	<p>Глутатион в/и, в/и аста-секин (2-3 дақиқа) ёки кунига 600 мг ёки кунига 1200 мг дан инфузия йули билан юборилади.</p> <p>Ичишга. Суткасига 250 мг, тил остида аста-секин сўрилади.</p> <p>Қабул қилиш курси йилига 2-3 марта такрорланиши мумкин бўлган 2-3 ойлик цикллардан иборат.</p>	<p>А</p> <p><a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a></p>
Адеметионин	<p>Тавсия этиладиган доза 1 кг тана вазнига суткасига 10-25 мг адеметионинни ташкил этади. Одатда суткалик доза суткасига 1-2 таблеткани ташкил этади (суткасига 400-800 мг адеметиониндан) ва суткасига 4 таблеткагача оширилиши мумкин (суткасига 1600 мг адеметионингача). Таъсири одатда даволашнинг 7-14 кунда намоён бўлади ва препаратни кейинги қўллашда ҳам сақланиб қолади.</p>	<p>А</p> <p><a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a></p>
Цианокобаламин (Витамин В12)	<p>м/о ёки в/и 1 мг дан ҳар куни 1-2 ҳафта давомида, ушлаб турувчи доза 1-2 мг м/о ёки в/и - ҳафтасига 1 мартадан, ойига 1 мартагача.</p>	<p>В</p> <p><a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a></p>

<p>Пиридоксин гидрохлорид (Витамин В6)</p>	<p>м/о, препарат дозасини шифокор индивидуал равишда кунига 1-2 мг/кг тана вазнига ҳисоблаб тайинлайди.</p>	<p>В <a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a></p>
<p>Рибофлавин мононуклеотид (Витамин В2)</p>	<p>Ичиш учун: катталарга - кунига 5-10 мг; болаларга - кунига 1 марта 2-5 мг. Даволаш давомийлиги 1-1,5 ой.</p> <p>М/о: 1 мл 1% эритма (0,1 г) кунига 1 марта 10-15 кун давомида (болаларга - 3-5 кун), кейин ҳафтасига 2-3 марта; даволаш курси - 15-20 инъекция.</p>	<p>В <a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a></p>
<p>Тиамин гидрохлорид (Витамин В1)</p>	<p>м/о (чукур)</p> <p>Препаратни юборишни кичик дозалардан бошлаш тавсия этилади (кўпи билан 0,5 мл 5% эритма) ва фақат яхши кўтара олганда юқори дозаларга ўтиш мумкин. Катталарга 25-50 мг тиамин гидрохлорид (0,5-1 мл 5% ли эритмаси) кунига 1 маҳал, ҳар куни, болаларга 12,5 мг (0,25 мл 5% ли эритмаси) кунига 1 маҳал буюрилади.</p>	<p>В <a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a></p>
<p>Алфа-липой кислотаси</p>	<p>Катталар учун 600 мг миқдорида кунига камида 30 дақиқа давомида томчилаб юбориш орқали вена ичига юборилади.</p> <p>Катталар ва 14 ёшдан ошган болаларга овқатдан олдин кунига 1 маҳал 1 капсуладан ичилади.</p>	<p>В <a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a></p>
<p>Альфа-токоферол ацетат (Витамин Е)</p>	<p>Овқатдан кейин кунига 50-100 мг дозада ичилади</p>	<p>В <a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a></p>
<p>Витамин А + Е</p>	<p>Овқатдан кейин кунига ичиш учун 100 мг дан витамин Е + 100 000 ХБ витамин А дозасида</p>	<p>В <a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a></p>

		<a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34444444/">4/table/medicina-57-00921-t003/</a>
Ретинол ацетат (Витамин А)	Катталар учун енг юкори кунлик доза 100 000 ХБ дан ошмаслиги керак.	В <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34444444/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a>
Аскорбин кислотаси (Витамин С)	Ичга, м/о, в/и  Танқислик ҳолатларининг олдини олиш учун - кунига 25-75 мг.  Даволаш учун кунига 250 мг ва ундан ортик бўлинган дозаларда	В <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34444444/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a>
Холекальциферол (Витамин D)	Д витамини танқислигини коррекцияси (25 (ОХ) Д даражаси <20 нг/мл)  - 8 ҳафта давомида ҳар ҳафтада 50 000 ХБ ичиш учун  - 200 000 ХБ ҳар ойда 2 ой давомида ичиш учун  - 150 000 ХБ ҳар ойда 3 ой давомида ичиш учун  - 6000 - 8000 ХБ кунига - 8 ҳафта ичиш учун  Д витамини етишмовчилигини коррекцияси (25 (ОХ) Д даражаси ≥20 ва <30 нг/мл)  - 4 ҳафта давомида ҳар ҳафта 50 000 ХБ ичиш учун  - 200 000 ХБ бир марта ичишга  - 150 000 ХБ бир марта ичишга  - 6000 - 8000 ХБ кунига - 4 ҳафта ичиш учун  Д витамини даражасини қўллаб-қувватлаб туриш ≥30 нг/мл  - 1000 - 2000 ХБ ҳар куни ичиш учун	В <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34444444/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/</a>

	- 6 000 - 14 000 ХБ ҳафтада бир марта ичиш учун	
Валериан экстракти	Ичишга. Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга 1-2 таблеткадан кунига 3 маҳал овқатдан кейин берилади. Даволаш давомийлиги 2-4 ҳафта. Шифокор кўрсатмаси билан такрорий даволаш курсларини ўтказиш мумкин.	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a>
Адонис-бром	Ичишга. 1 таб овқатдан кейин кунига 3 марта. Даволаш курси - 25-30 кун. Такрорий курсларни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги шифокор томонидан белгиланади.	С <a href="https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/">https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/</a>

**Изоҳ:** Агар маълум бир гуруҳга кирувчи зарур препарат шифохонада қўллаш учун тасдиқланган рўйхатда бўлмаса ёки вақтинча мавжуд бўлмаса, шифокор муқобил препаратни буюриши мумкин (ҳар хил таъсир механизмига эга, аммо битта терапевтик мақсадга эга бўлган препаратлар). Дори воситасини танлаш клиник вазият, беморнинг аҳволи ва мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Препаратларнинг дозаси ва миқдори шифокор томонидан индивидуал равишда белгиланади.

Терини намлаш учун препаратлар (эмоментлар), тиббий буюмлар, биологик фаол қўшимчалар, микроэлементлар, витаминлар, антиоксидантлар ва косметологик воситалар, агар улар қарши кўрсатмаларга эга бўлмаса ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сертификатланган бўлса, дерматологик беморларни даволашда заруратга кўра қўлланилиши мумкин.

**Тиббиёт муассасасига ётқизиш учун кўрсатмалар: кундузги ва кеча-кундуз ишлайдиган стационар:**

- КШЭЭ нинг оғир кечиши;
- илгари ўтказилган даволашнинг самарасизлиги;
- руҳий, неврологик ёки бошқа касалликларга чалинган беморлар, бунда бемор унга ғамхўрлик қилувчи шахс бўлмаганда барча зарур кўрсатмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олмайди.

**Кўчириб олиш учун кўрсатмалар:**

Касалликнинг клиник кўринишларини бартараф этиш.

**Даволаш самарадорлиги кўрсаткичлари:**

Касалликнинг клиник кўринишларининг йуқолиши даволаш мезони ҳисобланади.

**КЎП ШАКЛИ ЭКССУДАТИВ ЭРИТЕМА  
НОЗОЛОГИЯСИДА ТИББИЙ ЁНДАШУВ БУЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

## ТОШКЕНТ – 2025

### КХТ-10/11 кодлари:

L51	Кўп шаклли экссудатив эритема
L51.0	Кўп шаклли нобуллёз эритема
L51.1	Кўп шаклли буллёз эритема (Стивенс-Жонсон синдроми)
L51.2	Токсик эпидермал некролиз (Лайелла синдроми)
L51.8	Бошқа кўп шаклли эритема
L51.9	Аниқланмаган кўп шаклли эритема

<https://mkb-10.com/index.php?pid=11185>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31305041/>

Кўп шаклли экссудатив эритема (КШЭЭ) - тери ва шиллиқ қаватларнинг ўткир яллиғланиш касаллиги бўлиб, турли хил тошмалар, жумладан доғлар, папулалар, везикулалар ва буллалар пайдо бўлиши билан тавсифланади. КШЭЭ нинг аниқ сабаби ҳали тўлиқ аниқланмаган, аммо касаллик инфекциялар (масалан, оддий герпес вируси) ёки баъзи дори-дармонларни қабул қилиш натижасида келиб чиқиши мумкинлиги маълум [1, 2, 4]. КШЭЭ да тиббий аралашувлар касалликнинг ўзини даволашга, сабабларни, аломатларни бартараф етишга ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини

олишга қаратилган. Касалликнинг шакли ва оғирлигига қараб, аралашувлар турлича бўлиши мумкин [5, 8].

### **1. Медикаментоз даволаш:**

#### **а) Вирусга қарши препаратлар**

Агар КШЭЭ нинг сабаби вирусли инфекция (масалан, герпес вируси) бўлса, у ҳолда вирусга қарши воситалар қўлланилади [12, 13]:

- Ацикловир (вена ичига ёки оғиз орқали).

- Валацикловир ёки фамцикловир - агар касаллик герпес вируси билан боғлиқ бўлса.

#### **б) Кортикостероидлар**

Касалликнинг оғир шаклларида яллиғланишни камайтириш учун қўлланилади:

Тизимли кортикостероидлар (масалан, преднизолон) шиллиқ қаватлар (масалан, лаблар, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги яралар) иштирокида тарқалган ёки оғир даражадаги КШЭЭ ҳолатида буюрилиши мумкин.

Маҳаллий стероид препаратлар (масалан, гидрокортизон) терининг зарарланган жойларида яллиғланиш ва қичишишни камайтириш учун ишлатилиши мумкин [6, 7].

#### **д) Антигистаминлар**

Қичишиш, қизариш ва шишларни бартараф этиш учун қуйидагилар буюрилиши мумкин:

Цетиризин, лоратадин ёки бошқа иккинчи авлод антигистамин препаратлари.

#### **е) Яллиғланишга қарши препаратлар**

Оғриқ синдроми ёки яллиғланиш мавжуд бўлганда қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

Оғриқ ва яллиғланишни назорат қилиш учун ибупрофен ёки парацетамол (агар қарши кўрсатмалар бўлмаса).

#### **ф) Иммунодепрессантлар**

Агар КШЭЭ аутоиммун сабаб туфайли юзага келган бўлса ёки бошқа усуллар билан даволанмаса, иммунодепрессантлар буюрилиши мумкин:

Метотрексат ёки циклоспорин - касалликнинг оғирроқ ёки такрорий шаклларида яллиғланишни назорат қилиш зарур бўлганда.

### **2. Ёлдош инфекцияларни даволаш:**

Агар КШЭЭ бактериал инфекция туфайли юзага келган бўлса, қуйидагилар тайинланиши мумкин:

Антибиотиклар (масалан, пенициллин ёки цефалоспоринлар), агар терининг шикастланган жойларида иккиламчи бактериал инфекция мавжуд бўлса.

### **3. Плазмаферез ва иммуноглобулин:**

Плазмаферез организмдан яллиғланишга олиб келиши мумкин бўлган захарли моддалар ва антитаналарни чиқариб ташлашга ёрдам беради.

Агар касаллик аутоиммун жараёнлар билан боғлиқ бўлса, томир ичига иммуноглобулинларни (IVIg) юбориш иммунитетни бостириш учун ишлатилиши мумкин.

### **4. Қўллаб-қувватловчи тадбирлар:**

Терини намлаш: Терининг намланишини қўллаб-қувватлаш ва жароҳатларнинг битишини тезлаштириш учун намлантирувчи крем ва малҳамларни мунтазам қўллаш.

Маҳаллий воситалар: Антибиотиклар ёки антисептиклар қўшилган маҳаллий дорилар (масалан, кумуш сулфадиазинли суртмалар ёки декспантенолли кремлар) тери яраларини даволаш ва иккиламчи инфекцияларнинг олдини олиш учун ишлатилиши мумкин.

Оғриқсизлантириш: Яра ва шикастланиш жойларида оғриқ синдромини камайтириш учун маҳаллий оғриқсизлантирувчи дориларни (масалан, лидокаинли кремлар) қўллаш.

### **5. Касалхонага ётқизиш ва кузатиш:**

Касалликнинг оғир шаклида шиллиқ қаватлар (масалан, оғиз бўшлиғи, кўз ёки жинсий аъзолардаги яралар) да касалхонага ётқизиш керак бўлиши мумкин.

Беморнинг аҳволини мунтазам равишда кузатиб бориш, тери жароҳатларининг инфекцияланиши ёки органлар томонидан бузилишлар тизимининг ривожланиши (масалан, оғир шаклларда буйрак ёки жигар функциясининг бузилиши) каби мумкин бўлган асоратларни кузатиш муҳимдир.

### **6. Рецидивга олиб келувчи омилларни тузатиш:**

Қайталанувчи КШЭЭ ҳолатида стресс, инфекциялар, баъзи дорилар ёки аллергенлар каби қўзғатувчи омилларни назорат қилиш ва иложи борича улардан қочиш муҳимдир.

Хулоса: Кўп шаклли экссудатив эритемани даволаш комплекс ва индивидуаллаштирилган бўлиши, касалликнинг асосий сабабини даволашни ҳам, беморнинг аҳволини енгиллаштириш учун симптоматик даволашни ҳам ўз ичига олиши керак.

### **Алоҳида вазиятлар**

#### **Болаларни даволаш**

Эрта ёшдаги болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг кенг шикастланишларида организмга етарли микдорда суюқлик киришини таъминлаш, инфузион терапия ўтказиш зарур.

**КҮП ШАКЛИ ЭКССУДАТИВ ЭРИТЕМА  
НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯСИ ВА**

# ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ

ТОШКЕНТ – 2025

## КХТ-10/11 кодлари:

L51	Кўп шакли экссудатив эритема
L51.0	Кўп шакли нобуллёз эритема
L51.1	Кўп шакли буллёз эритема (Стивенс-Жонсон синдроми)
L51.2	Токсик эпидермал некролиз (Лайелла синдроми)
L51.8	Бошқа кўп шакли эритема
L51.9	Аниқланмаган кўп шакли эритема

<https://mkb-10.com/index.php?pid=11185>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/>

<https://emedicine.medscape.com/article/1122915-treatment?form=fpf>

Асосий қисм

Кириш:

Кўп шаклли экссудатив эритема (КШЭЭ) - тери ва шиллиқ қаватларнинг ўткир яллиғланиш касаллиги бўлиб, турли хил тошмалар, жумладан доғлар, папулалар, везикулалар ва буллалар пайдо бўлиши билан тавсифланади. КШЭЭ нинг аниқ сабаби ҳали тўлиқ аниқланмаган, аммо касаллик инфекциялар (масалан, оддий герпес вируси) ёки баъзи дори-дармонларни қабул қилиш натижасида келиб чиқиши мумкинлиги маълум [1, 2, 4].

Бирламчи профилактика сифатида герпетик инфекцияни юктириш хавфини минималлаштириш тавсия этилади: шахсий гигиена меъёрларига риоя қилиш, тасодифий жинсий алоқалардан қочиш, ҳимояланган жинсий алоқани амалга ошириш [9].

Организмнинг инфекцияларга қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини меъёрида сақлаб қолиш учун рационал овқатланиш, оптимал меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилиш, тўйиб ухлаш, мунтазам чиниқиш, зарарли одатлардан воз кечиш керак.

Махсус бўлмаган иккиламчи профилактика чоралари мумкин бўлган қўзғатувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- профилактик кўриклардан мунтазам ўтиш ва сурункали инфекция ўчоқларини ўз вақтида санация қилиш (тозалаш), герпесвирус инфекцияси билан боғлиқ бўлганда - вирусга қарши терапия;

- қуёш нури ва ултрабинафша нурланишнинг ортиқча таъсиридан ҳимоя қилиш;

- ўта совиб кетиш эҳтимолини камайтириш;

- стрессли таъсирларни истисно қилиш ва ҳ.к.

Вирусга қарши препаратларни курсли қабул қилиш, айниқса баҳор мавсумида, оддий герпес вируси келтириб чиқарадиган КШЭЭ қайталаниш эҳтимолини камайтиради.

Синтетик ациклик нуклеозидлар, интерферон препаратлари, унинг индукторлари ва бир қатор носпецифик иммуномодуляторларни узоқ муддат профилактик қабул қилиш ҳам рецидивлар сонини камайтиришга ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Арифов С.С. Клиническая дерматология и венерология.
2. В.П. Адаскевич, В.М. Козин. Тери ва таносил касалликлари 2006-йил, 362 бет
3. Т. Фицпатрик, Р. Жонсон, К. Вулф, М. Полано, Д. Сюрмонд. Дерматология атлас-справочник 2007 г. С. 209
4. Ю.К. Скрипкин, Ю.С. Бутов, О.Л. Иванова. Дерматовенерология миллий қўлланма 2011-йил, 942 бет
5. А.А. Кубанова, В.И. Кисина. Рациональная фармакотерапия заболеваний кожи и инфекций, передаваемых половым путем 2005 г. С. 433
6. Дерматовенерология. Миллий қўлланма. Под ред. профессоров Ю.К. Скрипкина, Ю.С. Бутова, О.Л. Иванова. "Паразитар дерматозлар. М.: ГОЕТАР. 2011. С. 414-442.
7. КЎП ШАКЛЛИ ЕКССУДАТИВ ЕРИТЕМА. Гомел давлат тиббиёт университети, Гомел ш. Л.А. Порошина Л.Г. Байбурина А.А. Шумак

8. КЎП ШАКЛЛИ ЕКССУДАТИВ ЕРИТЕМА: СИМПТОМЛАР УЧЛИГИ. ГБУЗ РБ "Городская клиническая болница Но21" г.Уфа. Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бошқирдистон давлат тиббиёт университети, Уфа. А.М. Сулейманов, М.Б. Убайдуллаев.
9. Булгакова, А.И. Результаты исследования многоформной экссудативной эритемы полости рта в Республике Башкортостан / А.И. Булгакова, З.Р. Хисматуллина, М.В. Зацепина // Материалы В Приволжского стоматологического форума "Актуальные вопросы стоматологии." - Ташкент, 2015. - С. 116-119;
10. Зацепина, М.В. Диагностическая топография при многоформной экссудативной эритеме / М.В. Зацепина, А.И. Булгакова, З.Р. Хисматуллина // Материалы Республиканской научно-практической конференции стоматологов "Актуальные вопросы стоматологии." - Ташкент, 2015. - С. 137-139.
11. Кўп шаклли экссудатив эритеманинг дифференциал диагностикаси ташхисни аниқлаш усули сифатида. Крихели Н.И., Позднякова Т.И., Маркова Г.Б., Журавлева Е.Г., Кудина М.О. Журнал: Российская стоматология. 2020;13(4): 3-5
12. Dermatology. Fourth edition. 2018. Jean L. Bolognia, Julie V. Schaffer, Lorenzo Cerroni.
13. HANIF'S CLINICAL DERMATOLOGY. SEVENTH EDITION. 2021

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25344713/>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24034067/>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31305041/>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34577844/>

<https://emedicine.medscape.com/article/1122915-treatment?form=fpf>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/3339142/>

<https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/#:~:text=In%20both%20HSV%2Dassociated%20EM,%2C%20twice%20daily%20%5B1%5D>

<https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC8467974/table/medicina-57-00921-t003/>

<https://www.rodv.ru/klinicheskie-rekomendacii/>

<https://diseases.medelement.com/disease/многоформная-экссудативная-эритема/14952>

[https://mzdrav.rk.gov.ru/file/Mnogofornnaja\\_jekssudativnaja\\_jeritema\\_Klinicheskie\\_rekomendacii.pdf](https://mzdrav.rk.gov.ru/file/Mnogofornnaja_jekssudativnaja_jeritema_Klinicheskie_rekomendacii.pdf)

<https://belova.uz/mnogofornnaya-ekssudativnaya-eritema>

<https://idoctor.kz/illness/1574-mnogofornnaya-ekssudativnaya-eritema-mee>

Кўп шакли экссудатив эритема менежменти бўйича амалий кўникмаларининг  
компетенциялари (таск шифтинг)

	Амалиёт ҳамшираси	БТСЁ Оилавий шифокор (бакалавр)	Топ мутахассис
<b>Шикоятлар ва анамнез</b>			
Бемордан шикоятларни йиғиш қобилиятини кўрсатиш	+*	+	+
Бемордан касаллик анамнезини олишда кўп шакли экссудатив эритема симптомлари (нишон" ёки "камалак парда" ёки "буқа кўзи" симптоми) ҳақида билимларни қўллаш.		+	+
Тери-таносил касалликлари билан беморларнинг тўлиқ тиббий анамнезини таърифлаш.		+	+
<b>Физикал кўрик</b>			

<p>Объектив кўриқда бемор терисида "кокардлар" аниқланади (кокардалар – мураккаб элемент бўлиб, кўкимтир-қизғиш доғ, пуфакча ёки папула, марказида пўстлоқдан иборат).  Лабларнинг қизил ҳошиясида геморрагик пўстлоқлар аниқланади. Эритема фонида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида кескин оғриқли эрозиялар, яралар, афтлар, субэпителиал пуфакчалар ва пуфакчалар аниқланади.  Ҳақиқий полиморфизмда сохта мономорфизм (зарарланишнинг барча элементлари эрозияси) кузатилади. Никольский симптоми манфий.  Регионар лимфа тугунлари катталашган, оғриқли, ўзаро ва атрофдаги тўқималар билан бирикмаган.</p>			+
--	--	--	---

Ташхис қўйиш			
Касалликка хос симптомлар ва лаборатор-инструментал текширувлар асосида ташхис қўйиш			+
Асосий лаборатор диагностикаси			
Асосий лаборатор таҳлилларини буюриш:			+
Умумий қон таҳлили (гемоглобин, гематокрит + лейкоцитар формула + ЭЧТ)			+
Заҳм скрининг тестлари: РМП, RPR, КСР (14 ёшдан катталарда)			+
Умумий иммуноглобулин Е таҳлили			+
Кўшимча лаборатор диагностикаси			
Тасдиқловчи тестлар (6 тадан 2 таси мажбурий): РИФ, ИФА IgG ва IgM, РИБТ, РПГА, ИХА, Иммуноблот IgG ва IgM			+
Умумий пешоб таҳлили			+
Умумий нажас таҳлили			+
Қоннинг биокимёвий таҳлили			+
Қонда гамма глобулин таҳлили			+
Қонда С реактив оқсил таҳлили			+
Қонда антинуклеар антитаналар таҳлили			+
Иммунологик текширувлар			+
Иммуногистокимёвий текширув			+
Гистолгик текширув			+
Тцанк хужайралари ва эозинофилларга			+

цитологик текширув			
ИФА, ИХЛА, ИФЛА ва ПЗР усуларида антитаналарни аниқлаш			+
Қондаги Д витамининг миқдорини ИФА, ИХЛА усулида аниқлаш			+
Антибиотикларга сезгирликни аниқлаш билан бирга микробиологик текширув			+
Инфекциялар учун қон ва биосубстратларни текшириш (ИФА, ПЗР)			+
Молекулар генетик текширув			+
Микологик текширув			+
Аллерготестлар			+
<b>Қўшимча инструментал диагностика</b>			
Тери ҳолатини ташхислаш-дерматоскопия			+
Ички аъзолар УТТ			+
<b>Қўп шаклли экссудатив эритемани даволаш</b>			
Номедикаментоз даволаш <b>(15 бет)</b>			+
Қўп шаклли экссудатив эритемани медикаментоз даволашни буюриш компетенцияси <b>(16-29-бетлар)</b>			+

<b>Қўп шаклли экссудатив эритемани олдини олиш</b>			
Хулқ-атворни яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича компетенциялар			+
Медикаментоз даволашга риоя қилишни яхшилаш бўйича компетенциялар			+

# Асосий тор мутахассис — дерматовенеролог ҳисобланади.

\*Ушбу компетенцияларга ҳамшираларни тайёрлаш орқали эришиш мумкин.

**Кўп шакли экссудатив эритеманинг менежменти бўйича билим компетенциялари**

	<b>Амалиёт ҳамшираси</b>	<b>БТСЁ Оилавий шифокор (бакалавр)</b>	<b>Тор мутахассис#</b>
Кўп шакли экссудатив эритемани таърифлаб бериш			+
Кўп шакли экссудатив эритемани шикоятлар, аломатларини тавсифлаш			+
Кўп шакли экссудатив эритеманинг патофизиологик механизмларини тавсифланг			+
Этиология, симптомлар ва тадқиқотлар (асосий лаборатор-инструментал текширувлар) асосида кўп шакли экссудатив эритемани ташхислаш учун ёндашувни яратиш.			+
Асосий таҳлиллар талқини			+
Кўп шакли экссудатив эритемани даволашга ёндашувни шакллантириш			+
Кўп шакли экссудатив эритеманинг номедикаментоз терапиясини тавсифланг			+
Кўп шакли экссудатив эритеманинг медикаментоз терапиясини тавсифланг			+
Кўп шакли экссудатив эритемада фойдаланиладиган турли препаратларнинг таъсир механизмини, кўрсатмаларини ва ножўя таъсирини муҳокама қилинг			+
Даволаш доирасида кўп шакли экссудатив эритемани ривожланишининг патофизиологик механизмларини муҳокама қилинг			+

# Асосий тор мутахассис – дерматовенеролог шифокори ҳисобланади.